

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИДАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ УШЛАНМАЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА ИЧКИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Шарапова Моҳинур Тўлқин қизи<sup>1</sup>,  
Абдусаломова Нодира Баходировна<sup>2</sup>*

*<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти,  
+998901131182*

*<sup>2</sup>ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор*

**Аннотация:** Мазкур мақолада бюджет ташкилотларида иш ҳақидан солиқ ва мажбурий ушланмаларнинг ҳисоби ва ички аудитининг назарий масалалари ёритилган. Олий таълим муассасалари мисолида иш ҳақидан солиқ ва мажбурий ушланмаларнинг ҳисобланиши, уларнинг ҳисобда акс эттирилиши ва ички аудитининг хусусиятлари тадқиқ этилган. Изланиш натижалари юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** бюджет ташкилоти, ички аудит, иш ҳақи, даромад солиғи, мажбурий ушланмалар, ҳисоб.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ ПО ЗАРАБОТНОЙ ПЛАТЕ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены теоретические вопросы учета и внутреннего аудита налога на заработную плату и обязательных отчислений в бюджетных организациях. На примере высших учебных заведений изучены особенности расчета налогов и обязательных отчислений из заработной платы, их отражение в бухгалтерском учете и внутреннем аудите. По результатам исследования сформулированы соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** бюджетная организация, внутренний аудит, заработная плата, налог на прибыль, обязательные отчисления, учет.

## IMPROVING OF ACCOUNTING AND INTERNAL AUDIT OF TAXES AND MANDATORY PAYMENTS ON WAGES IN BUDGET ORGANIZATIONS

**Abstract:** This article describes the theoretical issues of accounting and internal audit of payroll tax and mandatory deductions in budgetary organizations. On the example of higher education institutions, the features of calculation of tax and mandatory deductions from wages, their reflection in accounts and internal audit were

studied. Based on the results of the research, appropriate suggestions and recommendations have been formulated.

**Key words:** budget organization, internal audit, salary, income tax, mandatory deductions, account.

### КИРИШ

Жаҳон мамлакатларида давлат сектори ходимлари учун индивидуаллаштирилган ва янада мослашувчан иш ҳақи тизимини жорий этиш тенденцияси кучаймоқда. Хусусан, Италия, Люксембург, Португалия ва Испанияда қўшимча иш ҳақи ва ишда ташаббускорлик учун олий таълим тизими муассасалари ходимларига қўшимча тўловлар тўланади. Австрияда давлат хизматчиларининг иш фаолиятини яхшилаш учун махсус бонуслар жорий этилган. Бу жараёнларда олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи бухгалтерия ҳисобини аниқлилиги ва шаффофлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда дунё мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш умумқабул қилинган талабларни ўзида мужассам этган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (IAS) мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса меҳнат ҳақи ҳисобини ташкил этиш бўйича амалда 19 - сонли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда мамлакатларда мазкур стандарт талабларига мувофиқлаштиришга юқори устиворлик бермоқда.

Жаҳон миқёсида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, шунингдек, меҳнат ҳақи бухгалтерия ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш масалаларига қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган. Амалга оширилган тадқиқотларда меҳнат ҳақи бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг хусусиятлари, ташкилий ҳамда услубий жиҳатлари молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқлаштириш масалалари кенг очиб берилган. Лекин, тадқиқотларда бюджет ташкилотларида меҳнат ҳақи бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишда, бугунги кунда глобаллашув кучайиб бораётган бир шароитда таълим муассасалари, нодавлат таълим муассасалари хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда етарлича очиб берилмаган. Айниқса, олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи ҳисобининг ички аудитини ташкил этиш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

### АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва назоратининг назарий ҳамда услубий асосларини тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари илмий изланишлар олиб борган. Хусусан, Н.П.Кондраков иш ҳақини бироз бошқача талқин этади. Тадқиқотчи иш ҳақини ходимнинг малакаси, қийинлиги, бажарган ишининг миқдори, сифати ва мезони,

шунингдек, компенсация ва рағбатлантириш тўловларига қараб меҳнат учун мукофот сифатида белгилайди<sup>1</sup>.

Хорижлик олим Г.Жассонинг таъкидлашича «Иш ҳақи ҳисобланиши ва иш ҳақининг тақсимланиши инсон тажрибасининг деярли барча жабҳаларига тааллуқлидир ва инсон ва жамиятнинг асосий хусусиятлари билан, соғлиқ ва бахтдан тортиб, мақом ва адолатгача, жиноят ва инқилобгача боғлиқ»<sup>2</sup>.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тушунчаси "иш ҳақи" тоифасига қараганда кенгроқ ва умумий тушунчадир. Бунга қуйидагилар киради:

корхонада амалда ишлаган вақт ва бажарилган иш учун ҳисобланган ва тариф маошидан, шунингдек, компенсация ва рағбатлантириш характеридаги тўловлар ва қўшимча тўловлардан иборат бўлган асосий иш ҳақи;

қўшимча иш ҳақи - ишламаган вақт учун тўловлар. Қўшимча иш ҳақига таътил учун тўлов, ходим ишдан бўшатишда ишдан бўшатиш нафақаси, ўсмирлар ва ногиронлар учун қисқартирилган иш вақти учун имтиёзли соатлар, эмизикли оналар учун махсус танаффуслар, ходимлар малака ошириш курсларига юборилганда, ходимнинг айбисиз ишланмай қолган вақтлар киради;

рағбатлантириш тўловлари, нафақалар, қўшимча қўлланилган меҳнат саъй-ҳаракатлари ёки иш меъёрларидан ошиб кетганлиги учун мукофотлар<sup>3</sup>.

“Меҳнатга ҳақ тўлаш - меҳнат шартномасининг муҳим шартларидан бири сифатида меҳнат меъёри, ходим томонидан бажарилган ишнинг миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади”<sup>4</sup>.

Олий таълим муассасаларида ҳам меҳнат ҳақи ҳисобини ташкил этишнинг мақсади ходимнинг меҳнат ҳиссаси ва у олган иш ҳақи ўртасидаги мувофиқликни таъминлашдир. Меҳнатга ҳақ тўлашни самарали ташкил этиш моддий рағбатлантиришда, меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этишда иқтисодий йўналиш бўлиб хизмат қиладиган муайян тамойилларни амалга оширишни назарда тутди.

С.У.Мехмонов асарларида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва аудити, бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат,

<sup>1</sup> Кондраков, Н. П. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2004. 211 с.

<sup>2</sup> Guillermina Jasso. A new model of wage determination and wage inequality. Rationality and Society. 2009 Sage Publications. Los Angeles, London, New Delhi, Singapore and Washington DC, Vol 21 (1):113–168. <http://rss.sagepub.com> DOI: 10.1177/1043463108099350

<sup>3</sup> Кибанов А.Я., Баткаева И.А., Митрофанова Е.А., Ловчева М.В. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности. - М.: ИНФРА-М, 2012. – 254 с.

<sup>4</sup> А.Каримов., Ф.Исломов. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик “Шарқ” нашриёт-матбаа уйи, Т.2004 й. 280-282 б.

бюджет назоратининг назарий масалалари ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари ўрганилган<sup>5</sup>.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган. Шу билан бирга олий таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларнинг ўзгариб бориши мазкур йўналишда илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу изланишда абстракт мантиқий фикрлаш, таққослаш, кузатиш ва таҳлил қилиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик тадқиқот, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

Солиқ қонунчилигига асосан республикаимиз ҳудудида корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ишчи ва ходимлар Солиқ кодексига белгиланган фоиз ставкаларда даромад солиғи ва мажбурий ушланмаларни тўлашлари белгилаб қўйилган. Ишчи ва ходимларнинг меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлган даромадларидан чегириб қолинадиган солиқ суммасини иш берувчи ушлаб қолиб тегишли ҳудудий Давлат солиқ инспекциялари ҳисоб рақамларига ўтказиб берадилар.

Барча корхона ва ташкилотлар каби олий таълим муассасаси ҳам муассасадада фаолият юритаётган ишчи ва ходимлар меҳнат ҳақидан даромад солиғи ва мажбурий ушланмаларни ушлаб қолади ва ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси ҳисоб рақамларига ўтказиб беради. Демак, олий таълим муассасаларида ишчи ва ходимлар меҳнат ҳақи билан боғлиқ даромад солиғи ва мажбурий ушланмаларни ҳисоблаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш алоҳида ҳисоб-китобларни, ҳужжатлаштиришларни талаб этади.

Дастлаб меҳнат ҳақи билан боғлиқ даромад солиғи фоиз ставкасини кўриб чиқсак, меҳнат ҳақидан даромад солиғи Солиқ кодексига кўра жами иш ҳақидан 12 % миқдорда ушлаб қолинади.

Иш ҳақиға нисбатан 0,1 фоиз миқдорда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ўтказиладиган бадал меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғидан чегирилади.

Олий таълим муассасида ишловчи ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, ҳар хил тадбирлар ва дам олиш масканларига йўлланмалар берувчи касаба уюшмасига 1 фоиз аъзолик бадали ушлаб қолинади.

<sup>5</sup> Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod moliya”, 2016.

Олий таълим муассасида ишловчи ходимларнинг ўз аризасига кўра меҳнат ҳақидан коммунал хизматлар ва олинган истеъмол кредити, ипотека кредитлари бўйича мажбуриятларни қоплаш маблағлар йўналтирилиши мумкин.

Меҳнат ҳақидан ходимнинг розилигисиз суд қарорлари асосида алимент, бож тўловлари ва жарималар ундирилиши мумкин.

Олий таълим муассасининг ходимлар бўлими томонидан бухгалтерия бўлимига тақдим этилган табелга кўра ходим апрель ойи давомида 25 иш кунидан 20 кун ишга чиққан, ходимнинг штатлар жадвали бўйича бир ойлик маоши шартли равишда 980 000 сўм деб оламиз. Ушбу ходимга жорий ой учун меҳнат ҳақи ҳисоблаймиз:

$$980\ 000/25*20=784\ 000\ \text{сўм меҳнат ҳақи.}$$

Ушбу меҳнат ҳақидан даромад солиғи ва мажбурий ушланмаларни ушлаб қолиш бўйича ҳисоб-китоблар:

Даромад солиғи: иш ҳақидан жами даромад солиғи 12%.

$$784\ 000*12\% = 65\ 333\ \text{сўм.}$$

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига 0,1% даромад солиғи ичидан олинади:

$$784\ 000*0,1\%=784\ \text{сўм.}$$

Касаба уюшмасига 1% аъзолик бадали:

$$784\ 000*1\%=7840\ \text{сўм.}$$

Демак, иш ҳақидан даромад солиғи ва мажбурий ушланмаларни чегириб қолсак:

$$784\ 000-65\ 333-7840=710\ 827\ \text{сўм.}$$

Ходимнинг қўлга оладиган иш ҳақи 710 827 сўм.

Юқорида кўриб ўтилган меҳнат ҳақи ва рағбатлантириш учун тўловларнинг ҳисобланиши қуйидагича бухгалтерия ўтказмаларида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Меҳнат ҳақининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши<sup>6</sup>**

№	Муомала мазмуни	Дт	Кт
1	Бюджет маблағлари ҳисобидан меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	710000	343400
2	Бюджет маблағлари ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи билан боғлиқ ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши	710000	342200
3	Тўлов контракт-шакли маблағлари ҳисобидан меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	730000	343400
4	Тўлов контракт-шакли маблағлари ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи билан боғлиқ ҳолда ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши	730000	342200

<sup>6</sup> 2-сон БҲС асосида муаллиф томонидан тузилган.

5	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	741000	343400
6	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳисобланган меҳнат ҳақи билан боғлиқ ҳолда ижтимоий солиқнинг ҳисобланиши	741000	342200
7	Меҳнат ҳақидан даромад солиғи ушлаб қолинди	153400	342100
8	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига 0,1 фоиз	152100	342300
9	Касаба уюшмасига 1 фоиз аъзолик бадали	153400	343700

Меҳнат ҳақини ҳисоблаш ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича очилган 5-сон мемориал ордера алоҳида акс эттирилади. Мазкур операцияларнинг мантиқий давоми сифатида меҳнат ҳақи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган мажбурий тўловларни тўланиши бухгалтерия ўтказмаларида қуйидагича расмийлаштириш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Меҳнат ҳақи билан боғлиқ мажбурий тўловларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши<sup>7</sup>**

№	Муомала мазмуни	Дт	Кт
1	Бюджет маблағлари ҳисобидан меҳнат ҳақи оид мажбуриятларнинг тўланиши:		
	Даромад солиғи	152100	503000
	Ижтимоий солиқ	152200	503000
	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига	152300	503000
	Касаба уюшмасига 1 фоиз аъзолик бадали	343700	503000
	Меҳнат ҳақи	153400	503000
2	Тўлов-шартнома шакли ҳисобидан меҳнат ҳақи оид мажбуриятларнинг тўланиши:		
	Даромад солиғи	152100	102409
	Ижтимоий солиқ	152200	102409
	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига	152300	102409
	Касаба уюшмасига 1 фоиз аъзолик бадали	343700	102409
	Меҳнат ҳақи	153400	102409
3	Ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан меҳнат ҳақи оид мажбуриятларнинг тўланиши:		
	Даромад солиғи	152100	102401
	Ижтимоий солиқ	152200	102401
	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига	152300	102401
	Касаба уюшмасига 1 фоиз аъзолик бадали	343700	102401
	Меҳнат ҳақи	153400	102401

Давлат олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи ва у билан боғлиқ

<sup>7</sup> 2-сон БҲС асосида муаллиф томонидан тузилган.

тўловларнинг ҳисобланиши ва тўловларнинг амалга оширилишида мазкур молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида ҳисоб ишлари юритилади. Аммо, меҳнат ҳақларини молиялаштириш билан боғлиқ бошқа қатор манбалар ва йўналишлар ҳам мавжуд. Шунингдек, меҳнат ҳақиға устамалар ва рағбатлантириш билан боғлиқ тўловлар ҳам юқорида жадвалдаги бухгалтерия ўтказмаларига ўхшаш тарзда меҳнат ҳақи таркибида умумлаштирилган ҳолда ҳисобда акс эттириб келинмоқда.

25 фоиз ижтимоий солиқ меҳнат ҳақиға нисбатан ҳисобланади ва смета бўйича олий таълим муассаси тўловни амалга оширади.

$$784\ 000 * 25\% = 313\ 600 \text{ сўм.}$$

Ижтимоий солиқни ҳисобда акс эттириш қуйидагича ҳақиқий харажатларда акс эттирилади:

ДТ 710000-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” 313 600 сўм.

КТ 341200-“Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” 313 600 сўм.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақиға оид муҳим хусусиятли жиҳат штат бирликларининг шаклланиши талабалар контингенти билан боғлиқлиги, илмий даражага эга профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича устама ва қўшимча тўловларнинг амалга оширилиши, шахсий иш режаларнинг бажарилишида ўқув юктамалари, ўқув услубий ишланмалар, илмий тадқиқот ишларининг амалга оширилиши ва устоз-шогирд ишларининг бажарилиши бир-биридан кескин фарқ қиладиган ишлар бўлиб, меҳнат ҳақи аудити тадбирларида мазкур масалаларни алоҳида объект сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Аммо, бу борада олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи аудит тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга оид услубий кўрсатмалар шакллантирилмаган.

Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи харажатларини молиявий таъминот манбалари бўйича акс эттириш учун олий таълим муассасаси ҳисоб сиёсати таркибида ишчи сўтларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, давлат олий таълим муассасаларида ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун молиялаштириш манбалари бўйича 343400 - “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” сўти таркибида қуйидаги қатор ишчи сўтларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Бу орқали олий таълим муассасаларида ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни маблағларни турлари бўйича таҳлилий ҳисобни юритиш, шунингдек, молиявий ҳисоботлардаги меҳнат ҳақи тўлаш бўйича

ходимлар билан ҳисоб-китобларга тегишли ахборотларни ишончилиги ва шаффофлигини ошириш имконияти яратилади.

Бундан ташқари олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларни таълим муассасаси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қўшган шахсий ҳиссасига қараб, шунингдек, таълим сифатини оширишдаги ҳиссасидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан (манбалари бўйича) меҳнатга устама ҳақ ва рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш тизимини ташкил этиш учун қуйидаги ишчи счётларни қўллаш ўринли бўлар эди.

Мазкур ишчи счётлар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантиришга оид таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобида меҳнат ҳақиға оид ахборотларнинг ишончилиги ва таҳлил қилиш имкониятини оширади.

Булардан ташқари биринчидан, профессор-ўқитувчиларнинг юкламаларида аудитория соатларини камайтириб, уларнинг дарс беришдан ташқари, хусусан, илмий ишларни олиб боришга ажратадиган вақтини кўпайтириш учун молиявий мустақиллик бериш назарда тутилган олий таълим муассасаларда профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбатини мустақил белгилаш имкониятини бериш лозим.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябрь ЎРҚ-798-сон
2. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»
3. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома 22.12.2010 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2169
4. Кондраков, Н. П. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. 4-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2004. 211 с.
5. Guillermina Jasso. A new model of wage determination and wage inequality. Rationality and Society. 2009 Sage Publications. Los Angeles, London, New Delhi, Singapore and Washington DC, Vol 21 (1):113–168. <http://rss.sagepub.com> DOI: 10.1177/1043463108099350
6. Кибанов А.Я., Баткаева И.А., Митрофанова Е.А., Ловчева М.В. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности. - М.: ИНФРА-М, 2012. – 254 с.
7. А.Каримов., Ф.Исломов ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик “Шарқ” нашриёт-матбаа уйи, Т.2004 й. 280-282 б.
8. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod moliya”, 2016.